

КРУИЗ ЭКСТРА ПРЕПАРАТИНИ ИЛДИЗ ҚИРҚАР ТУНЛАМЛАРГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Рахмонова Мадина

қ.х.ф.ф.д.(Phd), доцент,

Узақов Фазлиддин

магистр

Андижон қишлоқ хўжалиги ва

агротехнологиялар институти

To study the effect of the drug Cruise Extra on root cuttings

Raxmonova Madina

q.x.f.f.d. (Phd), associate professor,

Uzaqov Fazliddin

master

Andijan agriculture and

Institute of Agrotechnology

Аннотация. Ушбу мақолада Круиз Экстра Оригинал 362 гр/л к.с., (Тиаметоксам 350 г/л+мефеноксам 3,34 г/л+флудиоксонил 8,34 г/л)перепаратини Соянинг илдиз қирқар кузги тунлам зараркунандасига қарши биологик самарадорлиги ва унинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида қўллаш натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: соя, кузги тунлам, ҳосилдорлик, зараркунанда, биологик самарадорлик.

Annotation. In this article Cruise Extra Original 362 g / l c.s., (thiamethoxam 350 g / l + mefenoxam 3.34 g / l + fludioxonil 8.34 g / l) The results of the application are presented in order to increase.

Key words: shadow, autumn night, harvest, pest, biological.

efficiency.

Кириш Соя ўсимиғи ўзининг ҳар томонлама озуқа боплиғи, инсон саломатлиғига яхши самарали беришлиғи айниқса саноатда ва чорвачилик йўналишларида ката аъамият касб эади. Шунинг учун турли мамлакатларда кенг майдонларда етиштирилишининг боиси шунда, унинг дони ва яшил массаси туйимли булиб, озик-овкат, чорвачилик, техник ва тиббиёт сохаларида ишлатилиши мумкин. Ҳозирги кунда соя Ўзбекистоннинг импорт маҳсулоти бўлганлиғи сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 - мартидағи “2017-2021 - йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисидағи” ПҚ -2832- сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан тасдиқланган соя етиштиришни ривожлантириш, соянинг серхосил навларини яратиш ва экин майдонларини кенгайтириш ҳамда соя селекцияси ва бирламчи -уруғчилиғини тизимли ташкил этиш бўйича Тажрибалардан маълумки, илизқирқар тунламлардан кузги тунлам, соя ўсимлиғинг кўсат сонига бу эса ўз навбатида хосилдорлиғига жиддий зарар етказади. Соя ўсимлиғи кузги тунлам билан хосилдорлик шунчалик пасайиши кузатилди. Сабаби шундаки кузги тунлам тушган соя майдонларида режадағи кўчатлар сони кескин камайим сийраклашиб кетади. Соянинг асосан уруғ кадалгандан сўнг униб чиқиш даврида Илдизқирқар тунламлар билан зарарланиш оқибатида кўчатларнинг сулиб сарғайиши ва юзаси буришиб қолишига сабаб бўлди. Чунки зараркунандалар ўсимлик униб чиқиш даврининг дастлабки даврида пайдо бўлди, Кузги тунлам бандидан ташқари энди пайдо бўлган чин барглар ҳам зарарлайди. Кузги тунламлар билан зарарланган ўсимликларда физиологик ва

биохимик жараёнлари бузилади. Буларнинг хаммаси соя ўсимлиғини кучсизлантириб, кўчатлар сони камайишига олиб келади, натижада хосилдорлик пасайиб, хосил сифатсиз бўлади.

Тадқиқот натижалари ; Кузги тунлам ғўза, ерёнғоқ, соя ва бошқа кўплаб турдаги экинларга зарар етказади.

Илдиз курти 34 та ўсимликлар оиласига мансуб бўлган юзлаб турдаги ўсимликларгаламга зарар етказади. Унинг энг хуш кўрган ўсимлиги ғўза, соя, беда, қанд лавлаги, маккажўхори, ғалла ва полиз экинлари ёш ниҳоллари, бегона ўтлардан шўра, печак ўт ва бошқалар ҳисобланади. Илдиз куртлари униб чиқаётган ғўза ниҳолларини шикастлаб, уруғ палла баргларни кемириб тешади. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилган ва давлат реестрига киритилган Соянинг Тўмарис навидан Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг марказий тажриба дала участкасига экилиб, қуйдаги тажриба тизими бўйича тажриба олиб борилди.

Тажриба 3 вариант, 4 қайтариқдан иборат бўлиб экилди. Тажриба деянкаларнинг узунлиги 200 метр, эни 7.2 метрни ташкил этиб, деянкаларни умумий майдони 1440 м² ни ташкил қилди. Илмий тадқиқот ишлари 2021 йил давомида Андижон вилояти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба участкасида ўтказилди.

Тажрибадаги кимёвий препаратлар соя экиш олдидан 3,0 л/т, меъёрларда ишлов берилди.

Лаборатория таҳлиллари эса институтни “Ўсимликлар химояси ва агрокимё” лабораторияси ҳамда “Ўсимликлар физиологияси ва дон сифатини баҳолаш” лабораториясида олиб борилиб, ҳар бир тажрибалар бўйича таҳлил натижалари ўрганилди.

I-вариант: Назорат- Соянинг кузги тунлам (илдиз курти) зарарқунандасига қарши ишлар ўтказилмади.

II-Вариант: Тажрибанинг иккинчи варианты андоза варианты бўлиб соя уруғини экиш олдидан Круизер Экстра Хлопок 362 сус.к3,0 л/т препарати билан соя уруғига экиш олдидан 3,0 л/т ишлов берилди.

III -Вариант: Тажрибадаги янги Круиз Экстра Оригинал 362 гр/л к.с препаратлари назорат ва андозага нисбатан таққослаб ўрганишни олдимизга мақсад қилиб олдик. Ҳар бир вариантдан ҳисоблаш 2021 йил апрелнинг

охири май ойининг бошида 100 тадан ўсимлик танлаб олинди ва шу ўсимликлардан ҳар 3-7-14 кунда фенологик кузатишлар олиб борилди.

Тажрибада агротехник ва кимёвий кураш чоралари қўллаш олинган асосида олиб борилди. Қўлланилган агротехник ва кимёвий воситаларни биологик самарадорлиги зараркунандаларнинг, яъни Соянинг кузги тунлам зараркунандасига кураш қўлланилишдан олдинги ва кейинги сонига қараб, назорат вариантга солиштириб Гендирсон Тилтон формуласи асосида аниқланди.

Тажрибада экилган соянинг Тўмарис нави илдиз қирқар кузги тунламлар билан зарарланиши ҳамда вариантлар бўйича қўлланилган кимёвий препаратларни хашоратларга қарши биологик самарадорлиги ўрганилганда қуйдагича кузатилди.

Соя ниҳоллари чин барг чиқариш даври бошланишида апрелнинг охириги кунлари ва май ойининг бошларида илдиз қирқар кузги тунламлар билан зарарланиши кузатилди. Тажрибаларда назорат вариантыга нисбатан таққослаб таҳлил қилинганда.

Уруғлик чигитларга экишдан олдин Круизер Экстра Хлопок 362 сус.к 3.0 л/т. Ва янги Круиз Экстра Оригинал 362 гр/л к.с препарати 3,0 л/т меъёрларда уруғдорилагич препаратлар билан дориланган вариантлар маълум вақтгача (30-35 кун) назорат ишлов берилмаган вариантга нисбатан илдиз қирқар тунламлар хашоратларидан самарали химоя қилингани тажриба вариантларида кузатилди. (4.3.1-жадвали)

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, Соянинг Тажриба вариантыда вариантлар бўйича илдиз қирқар кузги тунлам 1 м² майдонда назоратга нисбатан ўрганилганда назорат вариантыда илдиз қирқар тунламлар сони ўртача 4.7 донани ташкил этди. Тажрибадаги андоза Энтометрин (0,3-0,5 л/га) вариантда 1,3 дона, назоратга нисбатан биологик самарадорлик 72.1 фоиз ташкил этди. Тажрибадаги янги Круиз Экстра Оригинал 362 гр/л к.с препарати 3,0 л/т меъёрларда қўлланилган вариантыда 0.9 дона кузатилиб, назоратга нисбатан 83.4 фоиз биологик самара берди.

Кузги тунлам зараркунандасига қарши кимёвий кураш чорасининг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тажрибамизда ишлов берилгандан кейинги зараркунандалар сони назоратга нисбатан 3 кундан сўнг 1.2 тага, 7 кундан сўнг 0,9 тага, 14 кундан сўнг 0.6 тага камайганлигини, шу билан биргаликда биологик самарадорлик назоратга нисбатан 3 кундан сўнг 76,4 фоизга, 7 кундан сўнг 82,3 фоизга, 14 кундан сўнг 91,6 фоизга ошганлигини, ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичи эса назорат вариантыда 25,0 ц/га бўлган бўлса, тажриба вариантыда 32,5 ц/га ташкил қилиб, қўшимча ҳосилдорлик 7,5 ц/га олганлигини кузатишимиз мумкин.

Олиб борилган тажриба натижаларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга қуйидаги хулосаларни бериш мумкин: Андижон вилоятинг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида соя ўсимлигининг илдиз қирқар тунлам зараркунандасига қарши Республика Давлат Кимё комиссияси томонидан тасдиқланган препаратлардан Соянинг илдиз қирқар кузги тунлам зараркунандасига қарши янги Круиз Экстра Оригинал 362 гр/л к. с препаратини. 3.0 л/т. қўллаганимизда 7,5 ц/га қўшимча ҳосилдорликка эришилди

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ

1. Р. Сиддиқов, М. Маннопова. ва бош. Ўзбекистонда соя ўсимлигини асосий ҳамда такрорий қилиб ўстириш агротехнологияси бўйича тавсиянома.
2. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларн зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш ҳамда агротоксикология асослари. Тошкент 2014
3. Доспехов Б.А. “Дала тажрибаси методикаси” Москва 1985 й, 12-30 бет